

**«Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» АЖ ҚК
Акциядорларининг умумий йиғилиши
томонидан 2014 йил “09” октябрда
«ТАСДИҚЛАНДИ»
Кузатув кенгашининг раиси**

**«Узбек Лизинг Интернешнл А.О.» Акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхона
акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида»
НИЗОМ
(Қуйида - Корхона)**

Тошкент - 2014

- I. Умумий қоидалар.
 - II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари ва қарорларни қабул қилиш тартиби.
 - III. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатга олиш.
 - IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик.
 - V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик.
 - VI. Умумий йиғилиш кворуми.
 - VII. Умумий йиғилишнинг ишчи органлари.
 - VIII. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби.
 - IX. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси.
 - X. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларини бажариш.
- 1-Илова. Қайд этиш рўйхати.
 - 2-Илова. Бюллетень.
 - 3-Илова. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарнома намунаси.
 - 4-Илова. Масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш тўғрисидаги акциядорнинг таклифи намунаси.
 - 5-Илова. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома намунаси.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Корхона акциядорларининг умумий йиғилиши (“Акциядорларнинг умумий йиғилиши”) мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, умумий йиғилишни ўтказиш ва қарорларни қабул қилиш тартибини тартибга солади.

1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Корхона Уставига мувофиқ ишлаб чиқилди.

1.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Корхонанинг олий бошқарув органи ҳисобланади ва у мазкур Низомнинг 2.1-бандида кўрсатилган масалаларни ҳал этиш учун масъул саналади.

1.4. Корхона ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиши шарт.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмасдан ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Корхона кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Бош директор билан шартнома муддатини чўзиш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш эҳтимоли тўғрисидаги масалалар ҳамда Йиллик якуний ҳисобот, фойда ва зарарларни тақсимлаш ва Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирувчи бошқа масалалар кўриб чиқилади.

1.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, акциядорларни йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш тартиби, Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилатганда акциядорларга тақдим этиладиган материаллар (ахборот) рўйхати Корхонанинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Корхона Устави талабларини инобатга олган ҳолда қуйидаги масалалар Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киради:

(а) Уставга тузатишларни ёки ўзгартирилган ва янги таҳрирда қабул қилинган Уставни тасдиқлаш;

(б) Корхонанинг ҳар қандай қайта ташкил топтирилиши ёки тугатилишини маъқуллаш, Тугатиш комиссиясини тайинлаш, унинг ваколатлари ва оладиган мукофот миқдорини Уставга мувофиқ белгилаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансини тасдиқлаш;

(в) Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдорий таркибини белгилаш, уларни тайинлаш ва ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

(г) эълон қилинган Акцияларнинг чегара миқдорини белгилаш;

(д) Устав жамғармасини ошириш;

(е) Устав жамғармасини камайтириш;

(ж) ўз Акцияларини қайта сотиб олиш;

(з) жамият томонидан корпоратив облигацияларни, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигацияларни чиқариш тўғрисида ҳамда Корхонанинг корпоратив облигацияларини қайта сотиб олиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

(и) Бош директор ва Бош директор ўринбосари (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар)ни тайинлаш ёки ишдан четлатиш;

(к) Бош директор ва Бош директор ўринбосарининг меҳнат ҳақини тўлаш тартиби ва шартларини белгилаш (агар шундайлар бор бўлса);

(л) Корхонанинг Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш, Тафтиш комиссияси аъзоларига бериладиган мукофот пули ва компенсациялар миқдорини белгилаш ҳамда Корхонанинг Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

(м) мустақил аудиторларни тайинлаш ва уларга тўланадиган хизмат ҳақининг чегаравий миқдорини белгилаш;

(н) Корхона фаолиятининг йиллик натижаларини, шу жумладан унинг шўъба корхоналари фаолиятининг натижаларини, йиллик ҳисоботлар, бухгалтерлик баланслари, фойда ва зарар ҳисоблари, фойда ва зарарни тақсимлаш, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари ва хулосаларини ҳамда Йиллик якуний ҳисоботни тасдиқлаш;

(о) дивидендларни Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан ошмайдиган миқдорда тақсимлаш ва тўлаш;

(п) овозга эга акцияларга айирбошланадиган пул маблағлари билан тўланувчи акциялар ва эмиссион қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

(р) Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби ва унинг регламентини тасдиқлаш;

(с) Акцияларни бўлиш ва консолидациялаш;

(т) қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда аффилирланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

(у) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан талаб қилинган ҳолатларда Корхона томонидан активларни сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боғлиқ йирик битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

(ф) қонунчиликка мувофиқ акцияларни жойлаштириш (биржа ва биржадан ташқари ташкил этилган қимматли қоғозлар бозорига қўйиш) нархини белгилаш;

(х) Акциядорлар томонидан қўшимча қўйилмалар миқдори, шакли ва уларни киритиш тартибини белгилаш;

(ц) Корхонанинг жорий сиёсати томонидан белгиланган чегарадан ошувчи микдордаги қарздорликни тасдиқлаш;

(ч) Корхона қоидалари ёки тартибларини ҳамда Корхонанинг ташкилий тузилмасини белгиловчи бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

(ш) Устав, мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа масалалар.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг 2.3. ва 2.4-бандларида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари шундай йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этаётган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг 2.1.- (а), (б), (г), (з), (н), (т), (у) бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашаётган овозга эга акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик тўртдан уч қисми (малакали кўпчиликнинг) овози билан қабул қилинади.

2.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари Акциядорларнинг овоз бериши яқунлари бўйича қабул қилинади. Овоз бериш жараёни овоз бериш учун мўлжалланган бюллетенлар билан амалга оширилади, уларнинг шакли ва матни Корхонанинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Овоз бериш учун мўлжалланган бюллетень мазмуни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ келиши керак.

2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларни қабул қилиш бўйича ўз ҳуқуқларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан рухсат этилган даражада Кузатув кенгашига ўтказиши мумкин. Мазкур Бандга биноан Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилиш бўйича ўз ваколатларини ҳар қандай ўтказиши Акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли қарори асосида ортга чақиртириб олиниши мумкин. Ҳеч қандай бу тариқа чақиртириб олиш ушбу ўтказишга (у бекор қилингунга қадар) мувофиқ қабул қилинган бирор-бир қарорнинг ҳақиқийлигига таъсир қилмайди.

III. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий санадан уч (3) иш куни олдин Акциядорлар реестрида рўйхатга олинган Акциядорларгина Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бу ҳолда шу тариқа белгиланган санада рўйхатга олинган Акциядорларгина ҳар қандай шундай дивидендларни ёки бошқа тақсимланишни ёки тақдим этиладиган ҳуқуқларни олишга, ёки шундай ҳуқуқларни амалга оширишга ёки юқорида кўрсатилган тарзда ҳар қандай шундай рўйхатга олиш санаси белгиланганидан кейин юз берган Корхона китоблари бўйича бирор-бир акцияларнинг ҳар қандай берилишига қарамасдан, вазиятга қараб бошқа мақсадларни амалга оширишга ҳақли.

3.2. Жамият Акциядорнинг талабига биноан унинг Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган акциядорлар реестрига киритилгани тўғрисидаги ахборотни тақдим этишга мажбур.

3.3. Корхона Акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгаришлар фақат ушбу реестр тузилган санада унга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланганидагина ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар қонунчиликда белгиланган тартибда тўғирланган тақдирдагина киритилиши мумкин.

3.4. Корхона акциядорларининг реестрида рўйхатга олинган Акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Корхона аудитори, Корхона Кузатув кенгашининг аъзолари, ижрочи

орган ва Тафтиш комиссиясининг аъзолари Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Корхона Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар ўз номзодлари кўриб чиқилгандагина Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.

3.5. Умумий йиғилишда қатнашиш учун Акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.6. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган Акциядорлар, жисмоний шахсларни рўйхатга олиш ишлари паспорт ёки Акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, вакилга нисбатан эса нотариал тасдиқланган ишончнома тақдим этилганида амалга оширилади.

3.7. Ҳар бир Акциядор Акциядорлар Реестрида шундай Акциядорнинг номига рўйхатга олинган ҳар бир Акция учун шахсан ёки ўз вакили орқали Уставга мувофиқ биттадан овоз ҳуқуқига эга бўлади.

3.8. Жисмоний шахс бўлмаган ҳар бир Акциядор ҳар қандай Акциядорлар умумий йиғилишида ўзини тақдим этиш учун бир ёки ундан ортиқ жисмоний шахсни вакил қилиши мумкин. Ҳар қандай Акциядор Акциядорлар умумий йиғилишида ўзини тақдим этиш учун бошқа Акциядорни ўзининг ёзма розилиги билан Акциядорнинг вакили сифатида вакил қилиш ҳуқуқига эга. Агар Акциядор Вакили шундай Акциядорнинг таъсис ҳужжатлари туфайли Акциядорнинг номидан ҳаракат қилишга вакил қилинган бўлса, бундай Акциядорнинг вакили ўзининг тегишли тасдиқланган лавозимга тайинлангани ҳақидаги гувоҳноманинг тасдиқланган нусхасини тақдим этиши керак. Агар Акциядор ўзини Акциядорларнинг умумий йиғилишида тақдим этиш учун биттадан ортиқ Акциядор Вакилини вакил қилса, унда у Корхонага ёзма шаклда ҳар бир Акциядор вакили тақдим этаётган акциялар сони ҳақида маълум қилиши керак, шунингдек бу Акциядор Вакилига берилган Ишончномада ҳам қайд этилиши лозим. Барча Акциядорлар Вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан вакил қилинади.

3.9. Марказий депозитарий томонидан Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун шакллантирилган Корхона Акциядорларининг реестрига мувофиқ 1-иловадаги шакл бўйича қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рақамланган, тикилган, ҳисоб комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланган ва Корхонанинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур.

3.10. Умумий йиғилиш ўтказилганида Акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатида имзо чекади ва Корхона Акциядорлари реестрининг маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир Акциядорнинг овозга эга акциялари сонидан келиб чиққан ҳолда овоз бериш учун мўлжалланган бюллетенлар тўпламини (2-илова) олади.

3.11. Агар йиғилиш иштирокчиси бир ёки бир нечта Акциядорнинг манфаатларини тақдим этиш ҳуқуқини берувчи ишончномани тақдим этса, унга ўзи тақдим этаётган Акциядор (Акциядорлар) овоз бериши учун мўлжалланган бюллетенлар берилади, қайд этиш рўйхатидаги у тақдим этаётган Акциядорнинг фамилияси қаршисига эса: “_____” даги №_____-сонли ишончнома бўйича _____дона (сони) овоз эга акциялар бўйича” деб ёзилади ҳамда вакилнинг фамилияси, исми ва шарифи кўрсатилади.

IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик ишлари Кузатув кенгаши томонидан олиб борилади, у қуйидагиларни белгилайди:

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, жойи ва вақти;

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби;

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар бериш учун Корхона Акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун Корхона Акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида Акциядорларга хабар бериш тартиби;

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик ишларида Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхати;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни;

йиғилишни ўтказиш тартибининг шакли.

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси уни ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 10 кунгача бўлган вақт ичида ва 30 кун ўтганидан кейин белгиланиши мумкин эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси визаларни ўз вақтида олиш ва йиғилиш жойига боришни талаб этадиган сафарни ташкил этиш имконини берадиган тарзда белгиланиши керак. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Корхонанинг расмий сайтида, оммавий ахборот воситаларида чоп этилади ҳамда электрон почта орқали Акциядорларга узоғи билан 7 кун ичида, бироқ Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санасидан камида 30 кун олдин (3-иловага мувофиқ шаклда) юборилади.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақидаги хабар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Корхона номи, жойлашган манзили (почта манзили) ва электрон почта манзили;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

- Корхона Акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси;

- Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилган масалалар;

- Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш даврида Акциядорларни Акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган ахборот (материаллар) билан таништириш тартиби.

4.4. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик даврида Акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган ахборот (материаллар)га Корхонанинг йиллик ҳисоботи, Корхонанинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Корхона Тафтиш комиссияси ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Корхона Кузатув кенгашининг Бош директор билан шартнома муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисидаги хулосаси ҳамда Корхона Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Корхона Уставига киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Корхона Уставининг янги таҳрирдаги лойиҳаси киради.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш даврида Акциядорларга тақдим этилиши керак бўлган қўшимча ахборотлар (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.5. Корхонанинг овозга эга акцияларининг жами камида бир фоизига эгалик қилувчи Акциядорлар (Акциядор) молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмасдан Акциядорлар йиллик умумий йиғилишининг кун тартибига масалаларни киритишга (4-иловада кўрсатилган шакл бўйича) ҳамда Корхона Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига номзодларни ушбу органларнинг миқдорий таркибидан ошмайдиган миқдорда кўрсатишга ҳақли.

4.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масалани киритиш ишлари масаланинг қўйилиш сабабларини, масалани киритаётган Акциядор (Акциядорлар) номи, унга тегишли акциялар сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

4.7. Номзодларни Корхона Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига илгари суриш тўғрисидаги таклифларни киритганда, номзоднинг исми, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Корхона Акциядори бўлса), шунингдек номзодни илгари сураётган Акциядорларнинг номлари, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.8. Корхона Кузатув кенгаши келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши ва уларни Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритиш ёки кун тартибига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарорни мазкур Низомнинг 4.5-бандида белгиланган муддат тугаганидан кейин 10 кундан кечиктирмасдан қабул қилишга мажбур.

4.9. Акциядор (Акциядорлар) томонидан киритилган масала Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига киритилиши шарт, худди шундай номзодликка илгари сурилганлар Корхона Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайловларда овоз бериладиган номзодлар рўйхатига киритилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- агар Акциядор (Акциядорлар) томонидан мазкур Низомнинг 4.5-бандида белгиланган муддатга амал қилинмаган бўлса;

- агар Акциядор (Акциядорлар) мазкур Низомнинг 4.5-бандида кўзда тутилган Корхонанинг овозга эга акцияларининг эгаси бўлмаса;

- агар Корхонанинг сайланадиган органларига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

- агар таклифлар қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мос бўлмаса.

4.10. Акциядорлар (Акциядор) ўзлари Корхона Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига илгари сурган номзодларнинг рўйхатига Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар чоп этилган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан ўзгартириш киритишга ҳақли.

4.11. Корхона Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Корхона Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш ёки сабабини кўрсатган ҳолда киритишни рад этиш ҳақидаги қарори шундай қарор қабул қилинган санадан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан масалани киритган ёки таклифни тақдим этган Акциядорга (Акциядорларга) юборилади.

4.12. Корхона Кузатув кенгашининг масалани Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Корхона Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайловлар бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят аризаси берилиши мумкин.

4.13. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўзга чекловлар белгиланмаган бўлса, Акциядорлар ва Акциядорларнинг Вакиллари Акциядорларнинг умумий йиғилишида телефон алоқаси ёки шунга ўхшаш коммуникация воситалари орқали қатнашиши мумкин. Йиғилишда бундай воситалар ёрдамида қатнашувчи барча шахслар бир-бирини тинглаши мумкин, Акциядорларнинг умумий йиғилишида бу тарзда қатнашиш эса бундай йиғилишда шахсий иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш сифатида қаралади.

V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШINI ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

5.1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари ҳисобланади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Корхона Кузатув кенгаши томонидан қуйидагилар асосида ўтказилади:

- унинг ўз ташаббуси билан;
- Тафтиш комиссиясининг талаби билан;
- талабнома тақдим этилган санага Корхонанинг овозга эга акцияларининг камида 5%га эгалик қилувчи Акциядор (Акциядорлар)нинг талаби билан (5-иловага мувофиқ).

5.2. Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш масалалари бўйича Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабларга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Уставга, Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларига амал қилмаслик;

- Корхонага зарар етказиш ва Акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларига, шу жумладан молиявий-хўжалик фаолиятининг сезиларли даражада ёмонлашиши, Корхона фойдаси ва рентабеллигининг пасайиши, ишлар ва хизматларни сотишнинг асоссиз қисқариши билан боғлиқ мулкӣ ҳуқуқларга зарар етказиш;

- Корхонада иқтисодий ночорлик белгилари мавжуд бўлганида ёки шундай таҳдид юзага келганида, давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги, ишчиларга иш ҳақини бериш бўйича турғун қарздорлик мавжуд бўлганида.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабномада йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган қуйидаги масалалар уларни киритиш сабабларини кўрсатган ҳолда баён этилиши керак. Агар Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масалани киритиш билан шартланган бўлса, унда шундай йиғилишни чақириш тўғрисидаги талабномада Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масаладан ташқари кун тартибига Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масалаларини киритиш тўғрисидаги таклиф ҳам бўлиши лозим.

5.4. Корхона Кузатув кенгаши Корхона Тафтиш комиссияси ёки Корхонанинг овозга эга акцияларининг камида 5% га эгалик қилувчи Акциядор (Акциядорлар)нинг талаби бўйича чақириладиган Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалаларнинг таърифига ўзгартириш киритишга ҳақли эмас.

5.5. Агар Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги талабнома Акциядор(лар)дан чиқса, унда талабномада йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган Акциядор(лар)нинг исми (номи) унга тегишли бўлган акциялар сони ва турини кўрсатган ҳолда бўлиши керак.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талабнома Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Корхона Тафтиш комиссияси ёки Корхонанинг овозга эга акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи Акциядор (Акциядорлар)нинг навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш тўғрисидаги талабномаси тақдим этилган санадан бошлаб 10 кун ичида Корхона Кузатув кенгаши томонидан Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниши зарур.

5.8. Корхона Тафтиш комиссияси ёки Корхонанинг овозга эга акцияларининг камида 5% га эгалик қилувчи Акциядор(лар)нинг талаби бўйича Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолатларда қабул қилиниши мумкин:

- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган Акциядор (Акциядорлар) талабнома тақдим этилган санага Корхонанинг овозга эга акцияларининг 5%га эгалик қилмаса;

- агар Корхона Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалаларнинг бирортаси ҳам унинг ваколатига кирмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилаётган масала қонунчилик ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмаса.

5.9. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақидаги кенгаш қарори ёки уни чақиришни рад этиш ҳақидаги сабаби кўрсатилган қарор у қабул қилинган пайтдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан йиғилиш чақирилишини талаб этаётган шахсларга юборилади.

5.10. Корхона Кузатув кенгашининг Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш ҳақидаги қарори устидан судга шикоят аризасини бериш мумкин.

5.11. Агар Корхона Кузатув кенгаши томонидан 10 кун ичида Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш ҳақида қарор қабул қилинмаса ёки мазкур Низомнинг 5.8-бандида кўрсатилмаган сабаблар бўйича уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилаётган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.

Бу ҳолда Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик ишлари бўйича харажатлар Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича Корхона маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5.12. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик ишлари Кузатув кенгаши томонидан ёки қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириётган шахс томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

VI. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КВОРУМИ

6.1. Агар Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун рўйхатга олиш ишлари яқунланган пайтга Корхонанинг жойлаштирилган овозга эга акцияларининг жами эллик фоиздан кўпига эгаллик қилувчи Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши қонуний ҳуқуққа (кворумга) эга бўлади.

6.2. Агар йиғилиш бошланиши керак бўлган белгиланган вақтдан сўнг 45 дақиқадан кўпроқ вақт давомида кворум тўпланмаган бўлса, Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ўтказилганида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар рўйхатга олиш ишлари яқунланган пайтга йиғилишда қатнашиш учун Корхонанинг жойлаштирилган овозга эга акцияларининг жами 40 фоиздан кўпига эгаллик қилувчи Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, ўтказилмаган йиғилишнинг ўрнига чақирилган Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши қонуний ҳуқуққа эга бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар бериш ишлари мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.4. Агар такрорий йиғилишда кворум йиғилмаган бўлса, унда Акциядорларнинг ташаббуси билан чақирилган йиғилиш ўтказилмаган ҳисобланади ва бошқа чақирилмайди. Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки жамият аудиторининг ташаббуси билан чақирилган йиғилиш кворум таъминланмагунига қадар чақирилади.

6.5. Кворум йўқлиги сабабли Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан камроқ вақтга кўчирилганида, Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар ўтказилмаган Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар реестрига мувофиқ белгиланади.

ҲҲ. УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Қуйидагилар Умумий йиғилишнинг ишчи органлари ҳисобланади: Раис, ҳисоб комиссияси ва котиб.

7.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Акциядорларнинг умумий йиғилишини жамият Кузатов кенгашининг раиси олиб боради, у узрли сабабга кўра йўқ бўлган тақдирда эса жамият Кузатов кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради. Акциядорлар умумий йиғилишининг котиби йиғилишда иштирок этаётган Акциядорларнинг кўпчилик овози билан тайинланади.

7.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси йиғилиш президиумини бошқаради, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва ўз мажбуриятларини тегишли тарзда ижро этиш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилиш Раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, умумий йиғилиш ишчи органларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг чиқиш вақтини чеклайди, йиғилиш ва овоз бериш жараёнида изоҳлар беради, залда тартиб сақланишини назорат қилади.

7.5. Умумий йиғилиш котиби умумий йиғилиш жараёни бўйича баённома ёзади, Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини умумий йиғилиш ёпилганидан кейин 10 кундан кечиктирмасдан икки нусхада тузади.

7.6. Умумий йиғилиш Раиси ва котиби Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси ва қарорини имзолайди.

7.7. Овозларни ҳисоблаш, Акциядорларни Умумий йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини бериш учун Корхона Кузатов кенгаши томонидан ҳисоб комиссияси тузилади, унинг миқдорий ва шахсий таркиби Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

7.8. Ҳисоб комиссиясининг таркиби уч (3)та аъзодан иборат. Ҳисоб комиссиясининг таркибига Кузатов кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, ижрочи орган ҳамда номзоди ушбу лавозимларга илгари сурилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “Корхонанинг битта овозга эга акцияси – бир овоз” тамойили бўйича амалга оширилади (Корхона Кузатов кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш ишлари ўтказиладиган ҳолатлар ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно).

7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш ишлари овоз бериш бюллетени ёрдамида (2-иловага мувофиқ шакл бўйича) амалга оширилади. Овоз бериш ишлари овоз бериш бюллетенлари ёрдамида амалга оширилганида ҳисоб комиссияси овоз берувчиларга фақат овоз беришнинг эҳтимолий вариантларидан бири қолган масалалар бўйича берилган овозларнигина ҳисобга олади.

7.11. Юқорида кўрсатилган талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳисоб комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича овозлар ҳисобланмайди.

7.12. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан юқорида кўрсатилган талабга амал қилмаслик, овоз бериш бюллетенини буткул ҳақиқий эмас деб тан олинишига олиб келмайди.

7.13. Ҳисоб комиссияси ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш қисмидагина йиғилишнинг мустақил ва доимий фаолият кўрсатувчи ишчи органи ҳисобланади ҳамда Кузатов кенгашининг таклифи бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади.

7.14. Ҳисоб комиссияси ваколатларининг муддати у Акциядорлар умумий йиғилишида сайланган пайтдан бошлаб Акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан

ташқари) томонидан ҳисоб комиссиясининг янги таркиби сайлангунига (ёки қайта сайлангунига) қадар ҳисобланади.

7.15. Акциядорларнинг олдинги умумий йиғилишида сайланган ҳисоб комиссияси Акциядорларнинг умумий йиғилишида қуйидаги вазифаларни бажаради:

Акциядорлар (уларнинг вакиллари)ни умумий йиғилишда қатнашиш учун рўйхатга олади;

ишончномалар ва улар берадиган ҳуқуқларни ҳисобга олиб боради;

овоз бериш бюллетенларини ва умумий йиғилиш бўйича бошқа ахборот (материаллар)ни беради;

Акциядорлар умумий йиғилишининг қворуми бор-йўқлигини белгилайди.

7.16. Таркиби акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилиши давомида тасдиқланган ҳисоб комиссияси:

Акциядорлар умумий йиғилишининг қворуми бор-йўқлигини белгилайди;

Умумий йиғилишда Акциядорлар (уларнинг вакиллари)нинг ўз овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириши билан боғлиқ масалаларни тушунтиради;

овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва Акциядорларнинг овоз бериш жараёнида қатнашиш ҳуқуқини таъминлайди;

овозларни ҳисоблайди ва овоз бериш ишларига яқун ясайди;

овоз бериш яқунлари ҳақидаги баённомани тузади;

овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

7.17. Ҳисоб комиссияси овоз бериш яқунлари бўйича ҳисоб комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланадиган овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомани тузади.

7.18. Ҳисоб комиссиясининг баённомалари йиғилишнинг алоҳида қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ва умумий йиғилиш баённомасига қўшиб қўйилади.

7.19. Овоз бериш яқунлари ҳақидаги баённома тузилиб, Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари ҳисоб комиссияси томонидан печатланади ва сақлаш учун Корхона архивига топширилади.

7.20. Овоз бериш яқунлари овоз бериш ишлари ўтказилган Акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисоб комиссияси томонидан эълон қилинади ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботни чоп этиш ёки уни Акциядорларга юбориш йўли билан Акциядорларга етказилади.

VIII. УМУМий ЙИҒИЛИШНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини юритиш тартиби, шу жумладан регламент ҳам мазкур Низомга мувофиқ Акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида тасдиқланади.

8.2. Умумий йиғилишни ўтказиш тартиби йиғилиш бошланадиган вақт ва унинг тахминий яқунланиш вақтини, маърузалар ва танаффусларнинг давомийлигини, кун тартибидаги масалаларнинг кетма-кетлигини, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачиларнинг фамилияси ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини кўзда тутати.

8.3. Йиғилиш давомида юзага келадиган жорий масалаларни Раис яқка ўзи қуйидаги асосий тамойилдан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади: ҳар бир иштирокчи муҳокама қилинаётган масала бўйича белгиланган вақт доирасида Акциядорларнинг умумий йиғилишида чиқиш қилиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

8.4. Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиниб, улар бўйича қарор қабул қилинганидан кейин Раис Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпиқ деб эълон қилади.

IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING БАЁННОМАСИ

9.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўқазиладиган жой ва вақт;
- Корхонанинг овозга эга акцияларига эгалик қилувчи Акциядорлардаги овозларнинг умумий сони;
- йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар эгалик қилувчи овозлар сони;
- йиғилиш раиси ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби;
- маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар, овоз бериш яқунлари умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорлар.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси ва котиби томонидан имзоланади, улар баённоманинг тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

X. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ

10.1. Кузатув кенгаши, Бош директор (ёки Бош директор вазифасини бажарувчи шахс) Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар ҳамда овоз бериш яқунлари Акциядорларга қуйидаги тарзда етказилади:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши яқунланганидан кейин уларни эълон қилиш;
- Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси тузилган санадан бошлаб икки иш куни ичида муҳим факт ҳақидаги хабардаги ахборотни очиш.

Жамият акциялари фонд биржасининг листингида топилган тақдирда жамият тегишли маълумотни фонд биржасининг расмий веб-сайтида ҳам чоп этишга мажбур.

10.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши, агар қарорда бошқаси кўрсатилмаган ва йиғилиш баённомасида акс эттирилмаган бўлса, Корхона Кузатув кенгаши томонидан назорат қилинади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари Корхонанинг барча бошқарув органлари, шунингдек умумий йиғилишда иштирок этаётган, иштирок этмаётган органлар томонидан уларга тегишли қисмида бажарилиши мажбурий.

Акциядорларнинг умумий
йиғилиши тўғрисидаги Низомга
1- ИЛОВА

**"Узбек Лизинг Интернешнл А.О." АЖ ҚҚнинг
201_ йил " _ " ____да ўтказиладиган акциядорларнинг йиллик/навбатдан ташқари
умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни
қайд этиш рўйхати**

**Рўйхат 201_ йил " _ " _____ ҳолати бўйича Марказий регистратор томонидан
шакллантирилган акциядорлар реестри асосида тузилди**

**Овозга эга акциялар сони - _____ дона (_____ сўм)187
286 316,00**

№	Акциядор нинг номи	Овозга эга акция- лар сони	Устав жамға рмаси нинг фоизи	Акция дор- нинг имзоси	Вакил иштирокида тўлдирилади		
					Вакилнинг Ф.И.Ш.	Ишонч нома № ва санаси	Вакил- нинг имзоси
1							
2							
...							

ЖАМИ:

Ҳисоб комиссияси аъзолари:

Акциядорларнинг умумий
йиғилиши тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

"Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О." АЖ ҚҚ Кузатув кенгашининг
201__й. "___" _____даги қарори билан тасдиқланган

«ЎЗБЕК ЛИЗИНГ ИНТЕРНЕСНЛ А.О.» АЖ ҚҚ
Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида овоз бериш учун
БЮЛЛЕТЕНЬ № _____

Овозга эга акциялар сони

дона

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган жой:

Йиғилиш санаси: **201_** й. «__» _____ Вақти: _____

Акциядор _____

Ф.И.Ш.

Вакилнинг Ф.И.Ш ва

ишончнома № _____

№	Кун тартиби	Овозга қўйилган масала баёни	Масала бўйича овоз бериш вариантлари* (кераксизининг устидан чизилсин)		
			тарафдор	қарши	бетараф
1			тарафдор	қарши	бетараф
2			тарафдор	қарши	бетараф
...			тарафдор	қарши	бетараф

Овозга қўйилган масала баёни:

Кумулятив овоз бериши йўли билан амалга оширилади.

Кумулятив овоз бериши жараёнида ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони Банк Кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига қўпайтирилади, бунда акциядор шу тариқа олинган овозни тўлиқ бир номзодга беришига ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзод ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Кумулятив овоз бериш бўйича овозга эга акцияларнинг умумий сони _____

№	Номзодлар	Номзодлар ҳақида маълумотлар	Берилган овозлар сони
1			
2			
...			

Акциядор ёки унинг вакилининг имзоси

**(бюллетень акциядор ёки унинг вакили
томонидан имзоланиши керак)**

** овоз беришнинг фақат бир варианты қолдирилади*

*Акциядорларнинг умумий
йиғилиши тўғрисидаги Низомга
3 - ИЛОВА*

«УЗБЕК ЛИЗИНГ ИНТЕРНЕШНЛ А.О.» АЖ ҚК
акциядорларнинг йиллик (навбатдан ташқари) умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
ХАБАРНОМА

Мухтарам _____, «УЗБЕК ЛИЗИНГ
ИНТЕРНЕШНЛ А.О.» АЖ ҚК ўз акциядорларини шу ҳақда хабардор қиладики, 201_ йил
«__» _____ кунни соат __:__ да, Тошкент шаҳри _____
манзили бўйича жамият Кузатув кенгаши мажлисининг 201_ йил «__» _____ даги №__ -
сонли баённомаси қарорига мувофиқ чақирилган Акциядорларнинг Йиллик / Навбатдан
ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар
рўйхати 201_ йил «__» _____ ҳолати бўйича тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

- 1.
- 2.
- 3.

- Кун тартибига тегишли қўшимча маълумотга эга бўлиш учун қуйидаги манзил
бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, _____,
шунингдек маълумотни +99871 120-02-02 телефон рақами орқали ҳам олишингиз мумкин.

- Йиғилишда қатнашувчиларни рўйхатга олиш ишлари 201_ йил «__» _____
кунни соат __:__ да бошланади.

- Йиғилишда қатнашувчиларни рўйхатга олиш пайтида акциядорнинг ёнида
паспорт ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ унинг ўрнини босувчи бошқа
ҳужжат бўлиши, акциядорнинг вакили ёнида эса юқоридагилардан ташқари тегишли тарзда
расмийлаштирилган ишончнома бўлиши зарур.

«УЗБЕК ЛИЗИНГ ИНТЕРНЕШНЛ А.О.» АЖ ҚК
Кузатув кенгаши

Акциядорларнинг умумий
йиғилиши тўғрисидаги Низомга
4 - ИЛОВА

«УЗБЕК ЛИЗИНГ ИНТЕРНЕСНЛ
А.О.» АЖ ҚҚ

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала
кiritиш тўғрисидаги акциядорнинг
ТАКЛИФИ

Акциядорга тегишли бўлган акциялар сони:

_____ дона оддий

_____ дона имтиёзли.

Акциядорлар йиғилишининг кун тартибига кiritилиши керак бўлган масала баёни
(унинг қўйилиш сабабларини кўрсатган ҳолда):

Кузатув кенгаши аъзолигига илгари сурилган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими,
номзодга тегишли бўлган акцияларни турларга ажратган ҳолда АЖ акцияларининг сони):

Тафтиш комиссияси аъзолигига илгари сурилган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи,
лавозими, номзодга тегишли бўлган акцияларни турларга ажратган ҳолда АЖ акцияларининг
сони):

Ф.И.Ш. _____

_____ (имзо, сана)

Акциядорларнинг умумий
йиғилиши тўғрисидаги Низомга
5 - ИЛОВА

«УЗБЕК ЛИЗИНГ ИНТЕРНЕШНЛ
А.О.» АЖ ҚК

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги
ТАЛАБИ

Йиғилиш чақирилишини талаб қилаётган шахснинг Ф.И.Ш. (номланиши):
_____ (талабнома Тафтиш комиссиясининг аъзоси
томонидан илгари сурилган тақдирда, буни ушбу графада акс эттириш лозим)

Акциядорга тегишли бўлган акциялар сони (акциядор томонидан талабнома илгари
сурилган тақдирда тўлдирилади)
_____ дона оддий
_____ дона имтиёзли.

Талабнома мазмуни (акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини
чақириш сабабларининг баёни):

Акциядорлар йиғилишининг кун тартибига киритилиши керак бўлган масаланинг
баёни (уни киритиш сабабларини кўрсатган ҳолда):

Кузатув кенгаши аъзолигига илгари сурилган номзодлар (Ф.И.Ш., иш жойи, лавозими,
номзодга тегишли бўлган акцияларни турларга ажратган ҳолда АЖ акцияларининг сони):

Ф.И.Ш. _____

(имзо, сана)